

Она васияти

Мана: Islamnuri

Она васияти.

Умома бинти Хорис арабларнинг фозила аёлларидан эди ва у аёлнинг одоб-ахлоқ, панду-насихат бобида машхур ҳикматли сўзлари кўп бўлган.

Кинданинг подшохи Хорис бин Амрга бу аёлнинг қизи Умму Иёс бинти Авфни турмушга бериб, келинни, куёвнинг уйига олиб кетадиган зифоф (келин тушириладиган) кечасида жуда ҳам қимматли, бебаҳо сўзлар билан қизига васият қилган эди:

Эй қизалоғим!

Агар бир инсоннинг насли, улуғлиги ёки обрўси баландлиги учун унга васият қилмай қўйилганида, сизга васият қилмаган бўлар эдим. Лекин васият ақлли одамга эслатма, ғофилга эса танбеҳдир.

Эй қизалоғим!

Агар бирор аёл отасининг бойлиги учун эрсиз ўтиши мумкин бўлганда, мен эрсиз ўтар эдим. Лекин аёллар эркаклар учун, эркаклар аёллар учун яралганлар.

Эй қизалоғим!

Сиз тинч-тотув яшаб турган аҳлингизни ташлаб, танимаган, билмаган манзилга, танимаган кишилар ҳузурига кетмоқдасиз. Куёвингиз бу ҳаётда сиз учун подшоҳга айланди! Агар сиз унга чўри бўла олсангиз у сизга қул бўлади!

Эй қизалоғим!

Мендан ўн васиятни ёдлаб олинг, улар сизга озуқа ҳам обрў бўлади:

- 1- Қаноатли бўлинг, Қаноат қалбнинг роҳатидир.*
- 2- Эрингизга чиройли қулоқ солиб, чиройли итоат қилинг, Аллоҳнинг ризоси чиройли ҳаётдадир.*
- 3- Унинг кўзлари тушадиган ерга эътибор беринг, сиздан ҳеч қачон хунук нарсани кўрмасин. (Аёл киши ўзида бор зийнати турмуш ўртоғигагина кўрсатсин) зийнатнинг гўзали сурмадир.*
- 4- Димоғи сиздан фақат ширин ҳидларни топсин, хушбўйликнинг афзали сувдадир.*
- 5- 6- Таомланиш ва дам олиш вақтига бепарво бўлманг, очлик инсон ичидаги аланга, чарчоқ эса ғам-ғуссадир.*
- 7- Унинг ота-она, қариндошларини ҳурмат қилинг, бу гўзал тадбирдир.*
- 8- Унинг молу-мулкни сақланг, бу тартиб интизомдир.*
- 9- Унинг сирини сақлашга ўрганинг, йўқса уни ўзингизга душманга айлантириб оласиз.*
- 10- Буйруқларига итоатли бўлинг, йўқса, қалбини гинага тўлдириб қўясиз.*

Яна унинг ғамгин ҳолида шодланишдан, шодлигида ғамгин бўлиб қолишдан сақланинг, чунки унинг ғамлигида шодланишингиз ақлингиз қосирлигига далолат қилади, шодлигида ғамгин бўлиб олишингиз тотув ҳаётингизни булғайди.

Унга қанчалар ҳурматда бўлсангиз сизга шунчалар иззатда бўлади, унга қанчалар келишимли бўлсангиз ҳаётингиз шунчалар тотув давом этади.

Китоблар. 